

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН РЕЖАЛАР

Гойматов Ў.

Архитектор

Маматмусаев Т.

Архитектура фанлари номзоди, проф.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198044>

Аннотация. Юртимиз шаҳарсозлигида “Обод қишилоқ” ва «Обод маҳалла» дастури тўғрисида ги фармонга биноан амалга оширилган ишлар ва қишилоқ аҳолисига Шаҳарсозлик ва Ландшафт архитектураси томонидан янги инновацион лойиҳалар ва гояларни таклифини киритиши. Ёш авлодга биздан муносаб обод Ватан қолдириши.

Калим сўзлар: шаҳарсозлик, архитектура, ободонлаштириши, шароитлар.

ПЛАНЫ, РЕАЛИЗУЕМЫЕ В РАЗВИТИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ АРХИТЕКТУРЫ И ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВА

Аннотация. Работа, проводимая в соответствии с Указами «О селе Обод» и «Обод махалля» в области градостроительства и внедрения новых инновационных проектов и идей в области градостроительства и ландшафтной архитектуры. Оставить молодое поколение заслуженным процветанием для нас.

Ключевые слова: градостроительство, архитектура, благоустройство, условия.

PLANS IMPLEMENTED IN THE DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FROM THE POINT OF VIEW OF ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING

Abstract. Work carried out in accordance with the Decrees "On the village of Obod" and "Obod mahalla" in the field of urban planning and the introduction of new innovative projects and ideas in the field of urban planning and landscape architecture. Leave the younger generation a well-deserved prosperity for us.

Keywords: urban planning, architecture, landscaping, conditions.

КИРИШ

Мана икки юз йилдан бири Ўзбекистон секин асталик билан гуллаб яшнаб келмоқда ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилиб келмоқда. Ҳар биримизга маълумки қадимдан ўзбек миллатига хос бўлган қишилоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш ишлари бугунги кунга келиб ҳам давом этиб келмоқда. Бундай лойиҳаларни амалга оширишдан қўзланган мақсад қишилоқ ва овуллурда яшовчи аҳоли учун муносаб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш макшгнекккккдетарзини, маданиятини янада юксалтириш. Ҳар биримиз ўзимиз истиқомат қилаётган жойларимизни тоза тутиб ободонлаштирасак, биздан кейинги ёш авлодга бунданда яхши, қулай шароитлар яратсак шу обод юртда соғлом авлодни ва келажаги буюк давлатни таъминлаган бўламиз.



ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мамлакатимизда аҳолиси 49 фоизи истиқомат қиласидан қишлоқ, овулларда хаёт кечиришлари учун шароит тўла – тўқис яратиб берилмаган. Мана шундай камчиликларни бартараф этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура соҳаси томонидан инновацион янгиликлар киритиб, кўринишларини тубдан янгилаш, йўл – транспорт тармоқларини талабга жавоб берадиган ҳолга келтириш, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа



объектларини барпо этиш ва аҳолини яшаш тарзини яҳшилаш, юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат. М.М томонидан 2018 йил 29 март ПФ-5386-сонли қабул қилинган “Обод қишлоқ” ва «Обод маҳалла» дастури тўғрисида”ги фармонда шу каби муаммолар кўриб чиқилди ва бир қатор топшириқлар юқори муасаса ташкилотлари зиммасига юклатилди, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

“Обод қишлоқ” ва «Обод маҳалла» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастур сифатида алоҳида ўрин тутади. Ютбошимиз томонидан топширилган топшириқларни амалга оширишда ҳар бир тумандан иккадан қишлоқ танлаб олинади ва шу қишлоқ аҳолисини яшаш тарзини шароитини ошириш мақсадида Шаҳар ва туман архитекторлари, электр, газ, сувсоз, ва яна бир қанча ташкилотлар жалб этилмоқ. Биз ҳам шаҳарсозлик ва Ландшафт архитектори сифатида янги Инновацион таклиф лойиҳаларимизни киритиб ўтмоқдамиз. Авволом бор Инновация сўзи маъносига тўхталсак: Инглизча сўздан олинган бўлиб Инновация анча кенг маъноли термин хисобланади, “Innovation” инновация, янгилик маъносини беради. Кўпчилик олимлар Инновация сўзини “ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи ва бир қатор (иқтосодий, илмий – техникавий ижтимоий экологик) самаралар берувчи мутлақо янги ёки ўзгаририлган восита (янгилик)ни яратиш ва ўзлаштиришнинг якуний натижаси” деб хисобладилар.

МУҲОКАМА

Шаҳарсозлик архитектурасининг бугунги қундаги изланишлари натижасида Андижон шаҳри Марҳамат туманида “Обод қишлоқ” ва «Обод маҳалла» дастури асосида бир қатор ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин: Марҳамат тумани “Ўқчи” маҳалласида бир – қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. З.М.Бобур ёдгорлиги

қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди ва кичик ландшафт композицион таклифлари берилди сўнг лойиҳалар асосида кўкаламзорлаштирилди. Аҳоли учун ичимлик суви етиб бормаган маҳлаларга ичимлик сувлари олиб кирилди. Тамирталаб икки қаватли турар уй жойлариниҳам кўздан қочирмаган ҳолда сифатли кўринишга келди. Умуман олганда аҳоли талабига жавоб берадиган ва маданий ҳордик чиқарадиган боғ ва паркларни лойиҳалашда Шахарсозлик ва Ландшафт архитектураси алоҳида ўрин тутади. Биз бу ишлар билан ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда муқадас қадамжоларимиз билан қўшни давлатлар билан дўстлик ва туристик муносабатларни кучайтириш.



ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиб ўтишимиз жоизки авлодларимиз давомчиларига келажаги мустаҳкам кўркам, чиройли, обод ва эстетик - экологик жиҳатидан бой буюк давлат қолдиришимиз, имкониятлар яратишимиш керакки уларнинг ютукларидан бутун жаҳон



фаҳрлансин. Бугунги кунда қишлоқларда истиқомат қилаётган юртдошларимиздан фикрларини сўрасангиз улар мамнуният билан “Кишлоқларни ривожлантиришга

қаратилаётган ҳар – бир эътибордан мамнунлигини изҳор қилишади”. “Обод қишлоқ” ва «Обод маҳалла» дастурини замирида қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолини турмуш тарзини, маданиятини юксалтириш билан бир қаторда қишлоқларни қўринишини замонавийлаштириш ҳамда худудларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришга яна бир қўйилган қадам бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2019 йил 17 январь, ПФ-5635- сон.
2. “Инновацион фаолиятни молиявий бошқариш” фанидан маъruzalар матни.